

20 20 yil "26" Oktyabr № 1475

Жонобод МФЙ Жонобод қишлоғида яшовчи фуқаро Tillaboyev Shukirullo Umarovichга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ва «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосланиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Жонобод МФЙ Жонобод қишлоғида яшовчи фуқаро Tillaboyev Shukirullo Umarovichга дехқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 13.07.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Жонобод МФЙ Жонобод қишлоғида яшовчи фуқаро Tillaboyev Shukirullo Umarovichга Ғаниобод ММТП худудидан қишлоқ хўжалик харитасининг № 689қ-контурда қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган 0,35 (ўттиз беш сўтих) га ер майдони дехқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимининг томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон туман давлат хизматлари марказидан рўйхатидан ўтказиш, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Tillaboyev Shukirullo Umarovichга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи А.Ражабовга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқаровга топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман қишлоқ хўжалиги бўйча ҳокими ўринбосари Н.Мамадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ.Джураев